

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҚОШИДАГИ ЁШЛАР
МУАММОЛАРИНИ ЎРГАНИШ ВА ИСТИҚБОЛЛИ КАДРЛАРНИ
ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ**

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

ЎзР Президенти хузуридаги ДБА
қошидаги ЁМЎИҚТИ директори
А.Т.Жалилов



2018 йил 26 ” 09

**22.00.01 – “СОЦИОЛОГИЯ НАЗАРИЯСИ, УСЛУБИЁТИ ВА
ТАРИХИ. СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР УСУЛЛАРИ” ихтисослиги
бўйича Институт олий ўқув юртидан кейинг таълим институтига кириш
ИМТИХОНИ
ДАСТУРИ**

Институт Кенгашининг
2018 йил “ 26 ” 09 даги
_____-сонли мажлисида маъқулланган

Тузувчилар:

Бекмуродов М.Б. – Социология фанлари доктори, проф.

Юнусов А.Б. – Социология фанлари номзоди

К И Р И Ш

Ушбу дастур 22.00.01 – “Социология назарияси, услубиёти ва тарихи. Социологик тадқиқотлар усуллари” ихтисослиги бўйича катта илмий ходим-изланувчи ва мустақил катта илмий ходим-изланувчилардан ихтисослик имтиҳонини топшириш учун тузилган бўлиб, ўз ичига мазкур фаннинг деярли барча қирраларини қамраб олади. Бу дастурда социологиянинг мустақил фан йўналиши сифатида пайдо бўлиши, тарихи, мумтоз намоёндаларининг қарашлари, уларнинг назариялари ва социология фанига қўшган хиссалари, шунингдек, фаннинг мақсад ва вазифалари батафсил баён этилган.

22.00.01 – “Социология назарияси, услубиёти ва тарихи. Социологик тадқиқотлар усуллари” ихтисослиги жамиятнинг яхлит тизим сифатидаги мураккаб иерархияси, ундаги статик ва динамик жараёнлар, ўзгаришларни ҳамда социал стратификация, дифференциация ва социал тенгсизлик муаммолари билан боғлиқ йўналишлар ва омиллар тавсифини қамраб олади.

Институт олий ўқув юртидан кейинги таълим институтига киришга даъвогар:

- социология фанининг асосий тушунчаларини, методологиясини, асосий назария ва таълимотларини, асосий соҳаларини билиши;
- жамият тараққиётининг умумий қонуниятларини билиши;
- социологиядаги назария ва методларни замонавий сиёсий муаммоларнинг таҳлилида қўллай билиши;
- ижтимоий ҳодиса ва жараёнларни тушуниш, уни холисона баҳолаш малакасига эга бўлиши;
- таҳлил ва башорат қилиш усуллариини ўзлаштирган бўлиши;
- эмпирик тадқиқотлар методикасидан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиши, назарий ва амалий вазифаларни ҳал қилишда уларни қўллай билиши лозим.

Жамият социал тизимини тадқиқ этишда шахснинг ижтимоий-иқтисодий муносабатлар иерархиясида тутган мақоми, ушбу иерархия барқарорлигини таъминловчи қадриятлар, аъъаналар тизими, ғоялар, ҳуққ-атвор моделлари, турмуш тарзи каби категориялар жаҳон социологияси назарий ва амалий тадқиқотлари ютуқлари асосида талкин этилади.

Институтда олий ўқув юртидан кейинги таълим институтига 22.00.01 – “Социология назарияси, услубиёти ва тарихи. Социологик тадқиқотлар усуллари” ихтисослиги бўйича кириш имтиҳонини ўтказишдан мақсад – даъвогарнинг танлаган ихтисослик бўйича назарий ва амалий тайёргарлиги даражасини аниқлашдир. Имтиҳонда қуйидаги вазифалар ўз ечимини топади:

- даъвогарнинг танланган ихтисослик бўйича назарий ва амалий малакаси даражаси аниқланади;
- даъвогарнинг ўқув ва илмий адабиётлар билан мустақил ва самарали ишлаш қобилияти баҳоланади;
- даъвогарнинг сиёсий ҳаётни таҳлил қилишда сиёсий фанларнинг назарий қоидаларини қўллай олиш малакаси эътиборга олинади.

ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР ИЛМЙ ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА. СОЦИОЛОГИЯНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

Антик давр қомусий олимлари ва Шарқ мутафаккирларининг ижтимоий-фалсафий таълимотлари. Социология фанининг вужудга келишида ижтимоий-иқтисодий, ғоявий-назарий шарт-шароитлар. О.Конт позитив ёндашувида социологиянинг ўрни.

Ғарб социологияси классикларининг ишларида социологиянинг объекти ва предмети муаммоси. Социологиянинг турли йўналишларида фаннинг объекти ва предмети муаммосини ечиш йўлидаги ғоявий-назарий изланишлар. Социологиянинг фанлар тизимида тутган ўрни.

ЖАМИЯТДА ИЖТИМОЙ-ГУРУҲИЙ ШАКЛЛАНИШНИНГ ТАРИХИЙ-НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛИ, УЛАРНИНГ ЎЗАРО ҲАРАКАТИ ВА ИЕРАРХИЯСИ

Жамиятнинг ижтимоий-синфий тизимлари шаклининг трансформацияси, ишчилар, хизматчилар, зиёлилар, деҳқонлар сонининг миқдорий нисбати шунингдек, уларнинг роли. Аҳолининг турли қатлам ва гуруҳларининг ижтимоий тизим жараёнидаги муаммоларга, уларнинг хусусий мулк, ҳокимият ва даромад даражасига муносабатининг сифатий ўзгаришлари. Ўтиш даври Ўзбекистон жамиятининг ривожланишида янги ижтимоий қатлам ва жамоалар. Ўзбекистонда ўрта синфнинг шакллантирилиши. Ёшлар социал демографик гуруҳи хуссиятлари. Маҳаллий жамоалар турмуш тарзи асоси сифатида. Замонавий миграцион жараёнларнинг ижтимоий-гуруҳий тизимларга таъсири. Ўзбекистонда ижтимоий-демографик гуруҳлар таснифи, гуруҳлараро муносабатлар иерархияси. Социал гуруҳ ва социал дезинтеграция маргиналликнинг кўриниши.

МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШАЁТГАН ЖАМИЯТДА АЛОҲИДА ГУРУҲ ВА ҚАТЛАМЛАРНИНГ СОЦИАЛ ДИНАМИКАСИ ВА АДАПТАЦИЯСИ

Социал адаптация тушунчаси, унинг шакллари ва босқичлари. Ижтимоий муҳитнинг динамик ўзгариши шароитига ижтимоий мослашув. Адаптация ҳолати индивид муносабатининг ташқи муҳитга тавсифи сифатида. Замонавий Ўзбекистонда унинг ўзига хослиги (бир неча авлод ҳаёти давомида меъёр ва қадриятларнинг алмашинуви). Ёлланма ишчилар, уларнинг бандлик секторида яшаш жойи, касби ва соҳавий белгиларига қараб табақаланиши. Жамиятнинг микроструктура ва мезоструктураси ҳолатига қараб табақаланиш даражаси.

ЁШЛАР АЛОҲИДА ИЖТИМОЙ-ДЕМОГРАФИК ГУРУҲ СИФАТИДА

Социал-структура тизимида ёшга қараб гуруҳланиш. Ижтимоий-маданий жараёнларнинг янги иштирокчилари ва аҳолининг кекса қатлами билан “янги оммавий муносабатлар” – янги ижтимоий кўринишлар. Ҳаёт

йўли дифференциациясининг ўсиши. Ўзбекистон ёшларининг иш жойи ва касбини тез-тез ўзгартириши карьеранинг мобиллик турига ориентирланиши; иқтисодийнинг ноишлаб чиқариш тармоқларидаги фаолияти (савдо-сотик, маиший хизмат, таълим, илм-фан, спорт). Ёшлар меҳнат бозорининг регионал хусусияти. Ёшлар меҳнат бозорида касбий нуфуз иерархияси. Ёшлар меҳнат бозори кўламига миграцион жараёнларнинг таъсири. Касбий маҳорат, профессионаллик ва уларнинг мезонлари.

ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОН ЖАМИЯТИДА СОЦИАЛ-СТРАТИФИКАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИНГ ЎЗГАРИШИ

Ўзбекистонда янги социал тизим шаклланишининг асосий йўллари. “Трансформация” тушунчаси. Социал дезинтеграция ва дифференциациянинг макро ва ижтимоий-ишлаб чиқариш тизими даражасидаги янги шакллари; тенглик-тенгсизлик муносабатларининг янгича тизими, социал маконда интеграция-дезинтеграция. Хусусий мулк шакли, ҳокимият институти, бир гуруҳнинг йўқ бўлиши ва бошқа қатламнинг вужудга келиши, учинчисининг парчаланиши, тўртинчисининг социал мақоми ва ролининг алмашишига ўзаро нисбатининг ўзгариши. Трансформациялашаётган жамиятда социал тизимлар трансформацияси ўтишининг ўзига хослиги, фактор комплекси, масштабларни аниқловчи, тенденцияси, даражаси: иқтисодийда тизимли ўзгаришлар; бандлик тизими билан боғлиқ чуқур ўзгаришлар; аҳолининг асосий қатлами турмуш даражасининг тушиб кетиши; социал аномия.

ИЖТИМОЙ ТУЗИЛИШ ВА СОЦИАЛ СТРАТИФИКАЦИЯНИ ЎРГАНИШДАГИ АСОСИЙ МЕТОДОЛОГИК ЁНДАШУВЛАР

Ижтимоий тузилиш – социологик фанларнинг муҳим муаммоси сифатида. Ижтимоий тузилиш тушунчаси. Жамият ижтимоий тузилмасининг хусусиятлари. Ижтимоий тузилма ижтимоий ҳаётни ташкилланганлиги ва барқарорлиги омили сифатида. Ижтимоий тузилма муқим ва тартибланган ўзаро муносабатлар тизими сифатида. Э.Дюркгейм ижтимоий далиллар назариясида ижтимоий тузилманинг тавсифланиши. Ижтимоий тузилмада мақом ва роль тушунчаларининг талқини. Социал институтлар ва гуруҳлар ижтимоий тузилманинг элементлари сифатида. Меъёрлар ва қадриятлар ижтимоий тузилма мазмун-моҳиятини белгиловчи омиллар. Тизимли ёндашув жамият ҳақида, элементларнинг ўзаро алоқадорлиги ва ўзаро таъсири мажмуи сифатида. Тизимлараро мутаносиблик ва мувофиқликни ўлчаш мезонлари. Инсонлар орасидаги ижтимоий тафовутлар. Иерархиялаш. Социал стратификация ижтимоий тузилишнинг муҳим таркибий қисми. “Жамиятнинг социал-стратификацион тизими” тушунчаси. Социал стратификация мезони эволюцияси. Социал стратификациянинг асосий мезонлари: иқтисодий, сиёсий ва касбий. Инсонлар орасида ижтимоий тенгсизлик. М.Вебер, П.Сорокин ва П.Бурдьё қарашларида тенгсизлик

тузилишининг турли усуллари. Бир ўлчовли ва кўп ўлчовли стратификация. Социал стратификацияни ўрганишда замонавий ёндошувлар.

ИЖТИМОЙ ИНСТИТУТЛАР

“Қариндошлик алоқалари”, “оила” ва “никоҳ” тушунчаларининг социология фани учун муҳим аҳамият касб этиши. Ҳуқуқ ижтимоий институт сифатида. Сиёсий институтлар фаолиятининг хусусиятлари. Фаннинг институтлашуви. Аграр жамиятларда фундаментал ижтимоий институтлар. Индустриал ва постиндустриал жамиятларда социал институтлар таснифи. Таълим институти. Ўзбекистонда ўрта таълимнинг ривожланиши. Ўзбекистонда олий таълимнинг ривожланиши. Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш Миллий дастури. Олий таълимнинг хориж давлатлар тизими билан қиёсий таҳлили. Таълим ва тенгсизлик. Оммавий ахборот воситалари ва коммуникация. Замонавий ҳаётга ОАВларининг таъсири. Ўзбекистонда ОАВсини ривожланишининг ўзига хослиги. Дин социал институт сифатида. Дин назарияси. Диннинг кўринишлари. Диний ташкилот турлари. Ўзбекистонда ижтимоий ишнинг ривожланиши.

СОЦИАЛ МОБИЛЛИК, УНИНГ АСОСИЙ ТУРЛАРИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ

Социал мобиллик социал стратификация шакллариининг ўзгариш омили сифатида. “Социал мобиллик” тушунчаси, унинг турлари ва асосий йўналишлари. Социал мобиллик сабаблари ва оқибатлари. Социал мобиллик йўналиши, унинг масштаби ва интенсивлиги. Социал мобилликнинг икки хил тури: индивидуал ва гуруҳий. Вертикаль ва горизонталь мобилликнинг хусусиятлари. Интергенерацияли (авлодлараро) ва интрагенерацияли (авлодлар ичида) мобилликнинг таснифи. Замонавий Ўзбекистонда социал мобиллик. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида социал мобиллик механизмларининг ўзгариши.

СОЦИАЛ ЎЗГАРИШЛАР

Ўзгариш тадқиқотларида фундаментал концепциялар. Органик метафора: социал ўзгаришга мумтоз ёндошувлар. Альтернатив модел: динамик социал майдон. Ҳолатий жараёнлар эволюцияси. Жамиятнинг муваққат ўзгариши. Модернизация назарияси. Модернизация концепцияси ва механизмлари. Социал ўзгариш омиллари. Жисмоний муҳит. Социал тараққиёт концепцияси. Р.Беллнинг социал ўзгаришларга эволюцион ёндашуви. Г.Ленскини тараққиётнинг асосий йўналишлари назарияси. Циклик ўзгаришлар назариясида тараққиётнинг талқини. А.Дж.Тойнби қарашларида цивилизациялар пайдо бўлиши ва ривожланиши қонуниятлари. Ижтимоий ўзгаришларни ўрганишда тузилмали-функционал ёндошув (Т.Парсонс). У.Ф.Огборн бўйича социал ўзгаришларни таснифлашнинг эволюцион модели.

СОЦИАЛ ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯ – ИНТЕГРАЦИЯ НАЗАРИЯЛАРИ

Ижтимоий-иқтисодий дифференциация мезонлари. Социал интеграция ва дезинтеграция муаммолари, мумтоз социологик назарияларининг муҳим муаммолари – келишув ва низолар ҳамда социологик таҳлилнинг асосий майдони. Социал интеграция ва дезинтеграция тавсифи. Ижтимоий-иқтисодий дифференциация мезонлари: хусусийлик, ҳокимият, даромад ва б. жамиятда табақаланишнинг устуни. Ижтимоий келиб чиқиш, социал мақом, маълумотлилик даражаси, яшаш жойи, миллат ва бошқалар.

ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОН ЖАМИЯТИДА СОЦИАЛ ТИЗИМЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШУВИНИНГ АСОСИЙ ТЕНДЕНЦИЯСИ

Аҳоли қисмининг маргиналлашуви ва социал тенгсизликнинг чуқурлашуви. Янги социал тизимнинг шаклланиш йўллари, унинг таркиби: давлат мулки шаклининг ўзгариши; мулкни турли шакллариининг ўзаро муносабати натижасида янги қатламнинг вужудга келиши ва мулк шакллари. Жамиятнинг тубдан ўзгариши ва иқтисодий ислохотлар, мулк шаклида плюрализм, унинг социал тизимларининг ўзгариш сабаби сифатида: бир ижтимоий қатлам ва стратанинг йўқ бўлиши ва бошқасининг вужудга келиши. Мулкдорлар синфи ва ёлланма ишчилар гуруҳининг шаклланиш жараёни.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШСИЗЛИК ФЕНОМЕНИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ ВА РИВОЖЛАНИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Ишсизлик кўрсаткичи социал тенгсизликнинг муҳим характеристикаси сифатида. Ишчиларнинг “бўшатилиш” альтернативи меҳнат ҳақи режимининг турланувчанлиги (меҳнат таътилига ҳақ тўламаслик, ойлик маош даражасининг пасайиши ва бошқалар). Ўзбекистон жамияти мулкдор қатламининг дифференциацияси. Аҳоли реал даромадининг эҳтиёж структурасига қараб ўзгариши. Ўзбекистонда бойлар ва ўрта қатлам уларнинг миқдорий-сифатий кўрсаткичлари. “Кун кечириш учун зарур бўлган нарсаларнинг энг оз миқдори” тушунчаси. Социал стратификация моддий кўрсаткич асосида (капитал, даромад, мулк).

ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ, УНИНГ ЭЛЕМЕНТЛАРИ ВА СТРУКТУРАСИ

Фуқаролик жамияти тушунчаси. Фуқаролик жамияти асосий элементларининг таҳлили. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шаклланишининг ўзига хослиги, “Ўзбекистонда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”. Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари

тамойилининг моҳияти. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантирувчи субъектлар. Маҳаллий ўзини ўзи бошқаруви фуқаролик жамияти шаклланишининг фундаментал элементи. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шакллантириш истиқболлари. Социал тенгсизлик жараёнларининг чуқурлашуви ва динамикаси.

КИШИЛИК ЖАМИЯТИДА ГЛОБАЛЛАШУВ

Замонавийлик тавсифи, унинг муҳим характеристикаси. Изоляциядан глобализацияга. Глобаллашув тушунчаси. Глобаллашув турларининг анъанавийлиги ва замонавийлиги. Маданиятларнинг глобаллашуви. Глобал дунё қиёфаси. Глобаллашув назарияси. Интеграция-глобаллашув омили сифатида. Чегарасиз дунё тушунчаси. Глобаллашув жараёнида рамзий тўсиқларни йўқолиши. Трансмиллий корпорациялар глобаллашув кўламининг ўсиш омили.

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР:

Раҳбарий адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ, Тошкент, 2016. 56-б.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь – Тошкент, Ўзбекистон, 2017. 104-б.
3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь- Тошкент, Ўзбекистон, 2017. 48-б.
4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз. Мазкур китобдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 1 ноябрдан 24 ноябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри сайловчилари вакиллари билан ўтказилган сайловолди учрашувларида сўзлаган нутқлари ўрин олган.-Тошкент, Ўзбекистон, 2017. 488-б.
5. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида” ги Қарори. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги 05.06.2018 й. N ПКҚ-3775 Қарори. – Тошкент, 2018.

Асосий

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент. “Ўзбекистон” 2011 й.
7. “Баркамол авлод йили” Давлат Дастури. – Тошкент, 2010.
8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасининг Қарори. 2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури тўғрисида (Ўзбекистон республикаси олий мажлиси палаталарининг ахборотномаси, 2012 й., 11-сон, 311-модда).
9. Бекмуродов М.Б. Ўзбекистонда жамоатчилик фикри. – М., 1998.
10. Гидденс Э. Социология. – М., 1999.

11. Абдурахмонов Ф.Р., Саидходжаев Х.Б. Социология. Маърузалар курси. – Тошкент: ЎзРИИВА, 2000.
12. Убайдуллаева Б., О.Отамирзаев ва бошқалар. Социологик тадқиқотлар амалиёти. “Ижтимоий фикр” Маркази. – Тошкент, 2001.
13. Кравченко А.И. Социология. – М.: 2001.
14. Осипов Г.В. Социология. Основы общей теории. Учебник для вузов. – М.: Норма, 2002.
15. Социология. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Мерос, 2002.
16. Шафранов-Куцев Г.Ф. Социология. Маърузалар курси. Тюмень, 2005.
17. Багинин В.А. Социология: Энциклопедический словарь. – М.: Михайлова В.А., 2005.
18. Ганиева М.Х. Этносоциология. Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2006.

Қўшимча:

1. Радаев В.В., Шкаратан О.И. Социальная стратификация. 2-е изд. – М., 1996.
2. Долгоруков А.М. Практикум по общей социологии. – М., 2006.
3. Жалилов Ш. Кучли давлатдан – кучли жамият сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001.
4. Емшина П.С., Мутагирова Д.З., Скворцов Н.Т. Социология. – М.: Питер, 2004.
5. Кандауров В.И., Страданченков А.С. Социология. Курс лекций. – М.: Инфрам, 2001.
6. Качанов Ю. Начало социологии. – М.: Дикта, 2005.
7. Муллажанова М.М. ва бошқ. Социология фанидан маърузалар матнлари. – Тошкент: ТошДИУ, 2003.
8. Носирхўжаев С., Бекмуродов М., Султонов Т., Носирхўжаева Х. Социология асослари. Маърузалар матни. – Тошкент: Низомий ном. ТДПУ, 2000.
9. Отамуродов С., Отамуродов Сарвар. Ўзбекистонда маънавий-руҳий тикланиш. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003.
10. Радугин А.А., Радугин К.А. Социология. Курс лекций. – М.: Центр, 1999.
11. Рыс Ю.И., Степанов В.Е. Социология. Учебник. – М.: Дашков и К., 2006.
12. Умарова Р., Саркисов Б. Социология. Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2004.
13. Хеллевик О. Социологический метод. – М.: Весь мир, 2005.
14. Холбеков А., Идиров У. Социология: изоҳли луғат-маълумотнома. – Тошкент: Ибн Сино нашр., 1999.
15. Шикун А.И. Социология. Учебное пособие. – М.: Дикта, 2005.
16. Юнусов А.Б. Ўсмир меъёрни бузса... – Т., 2006.